

**Тасдиклайман**  
**Фармацевтика тармоғини**  
**ривожлантириш**  
**аентлиги хузуридаги**  
**Жамоатчилик кенгаши раиси**  
  
**Юнусов Н.Б.**

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш аентлиги хузуридаги**  
**Жамоатчилик кенгаши 2023 йил учун иш режаси**

<b>№</b>	<b>Чора-тадбирлар номи ва амалга ошириш механизми</b>	<b>Норматив-хуқуқий хужжат</b>	<b>Амалга ошириш муддати</b>
1.	Дори воситаларининг чакана савдосида жамоатчилик назоратини жорий этиш буйича механизми ишлаб чикишда катнашиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил март
2.	Корхоналарнинг давлат харидлари борасида Соғлиқни саклаш вазирлигидан ва бошқа маъсул ташкилотлардан маълумотларни олишга булган хукуқларини амалда бажарилиши холатлари масаласида.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил март
3.	Даволаш профилактика муассасаларининг дорихоналарида инъекцион дори воситалари ишлаб чиқарилиши, мақсадга мувофиқлиги ва унинг оқибатлари мавзусида мухокама.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил март
4.	Референт нарх шакллантириш тизими доирасида дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни қайта кўриб чикишда катнашиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил апрель
5.	“Зарур дорихона амалиёти – GPP” Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартини қайта кўриб чикишда катнашиш.	Идоравий хуқуқий хужжат	2023 йил апрель
6.	Маркировкалаш масаласида ишлаб чиқарувчилар дуч келаётган муаммолар, уларнинг дистрибьюторлар ва чакана	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил май

	савдо билан шуғулланувчи субъектлар томонидан жорий қилинишида ахамияти ва бу бөкічларда қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида мухокама.		
7.	Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тизимида шаффофоникини ошириш, лицензия талаблари хамма учун бир хилда кўйилиши, бу соҳада коррупцион холатларни юзага келтириши мумкин бўлган холатларни бартараф этиш масаласида мухокама.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил май
8	Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг аналогларига импорт қилишда имтиёз кўлланилмайдиган рўйхатни янгилашда қайта кўриб чиқишида катнашиш.	Норматив хукукий-хужжат	2023 йил июнь
9.	«Органик ишлаб чиқариш маҳсулоти» ҳамда «Зарур доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва териб олиш амалиёти — GACP» давлат стандартларига мувофиқлигини баҳолашни механизмини йўлга кўйиш буйича ишлаб чиқишида катнашиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил июль
10.	2021 йилда фармацевтика эркин иқтисодий зоналари ва «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери саноат зонасини ривожлантириш учун хорижий инвесторларни жалб қилиш мақсадида «роуд-шоу»лар ҳамда бизнес форумларда катнашиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2023 йил сентябрь
11.	Импортни оптималлаштириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан йил якунига кадар 300 турдаги фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эришишда таклифларни тайёрлаш ва Фармацевтика Агентликга таклифларни тақдим этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2023 йил октябрь

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги  
Жамоатчилик кенгашининг 2023 йил 10 апрелда ўтказилиши  
режалаштирилган мажилиси**

**КУН ТАРТИБИ**

- 1.** Референт нарх шакллантириш тизими доирасида дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқишида катнашиш;
- 2.** Зарур дорихона амалиёти – GPP” Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартини қайта кўриб чиқиш тўғрисида;
- 3.** Турли масалалар.



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
FARMATSEVTIKA TARMOG'INI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI  
BUYRUQ**

20~~20~~ йил «29» июнь

48 - сонли

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги  
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги хузурида  
Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тұғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тұғрисида” 2018 йил 4 июлдеги ПҚ-3837-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман**:

1. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги хузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилсін.

2. Қуйидагилар:

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши тұғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи - Бөш бухгалтер (К.Тошов) Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши учун хона ажратилиши ва зарур инвентарь ва техника билан таъминлаш чораларини құрсын.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Директор

С.Карiev

Фармацевтика тармоғини  
ривожлантириш агентлигининг  
2020 йил “*29* “июнь” даги  
*48*-сон бўйруғига 1- ИЛОВА

## **Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши тўғрисида низом**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда – жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари, функциялари, ваколатларини ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.
2. Жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади.
3. Жамоатчилик кенгаши Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг марказий аппарати хузурида ташкил этилади ва унинг фаолияти Агентликнинг барча худудий бўлинмалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларига татбиқ этилади.
4. Жамоатчилик кенгаши Агентлик директорининг буйруғи билан ташкил этилади.
5. Жамоатчилик кенгашининг қарорлари тавсиявий ҳусусиятга эга.
6. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.
7. Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом ва унга киритиладиган ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар Агентлик директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

### **2-боб. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари, функциялари, хукуқлари ва мажбуриятлари**

8. Қуйидагилар жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:  
қабул қилинаётган норматив-хукуқий хужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва худудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манбаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манбаатларини, жамият манбаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун хужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, Агентлик зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манбаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик

доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рүёбга чиқариш бўйича Агентлик ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

биргаликда мулоқот қилиш, Агентликнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун Агентликни фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўприк» ролини бажариш;

Агентликга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш;

фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан Агентликнинг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

Агентлик фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

Агентлик фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Агентлик фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Агентлик фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Агентлик ходимлари ва улар оиласарининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил якунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиши.

9. Жамоатчилик кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

Агентликнинг фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқишида иштирок этади, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Агентликга тегишли таклифлар киритади;

Агентликнинг фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қиласиди, шунингдек, ҳамкорликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

Агентлик фаолиятига тааллуқли унинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари ва қарорларини такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, шунингдек, киритилган таклифларни мазкур Агентлик ходимлари ўртасида муҳокама қилишга бағишлиланган тадбирларни ташкил этишда қатнашади;

давлат дастурлари лойиҳаларини, тадбирлар режаларини ва Агентлик фаолиятига тааллуқли, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлайди, қабул қилинган дастурларни амалга оширишда ваколатлари доирасида иштирок этади, бажарилган ишларнинг самарадорлигини таҳлил қиласиди, шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

Агентликга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни кўриб чиқади;

Агентлик раҳбарияти ва ходимларининг фуқаролар билан учрашувларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини қўриб чиқиш билан боғлиқ ишларни ташкил этишда, шу жумладан жойларга бориб ташкил этишда қатнашади, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказади;

Агентлик ходимлари ва улар оиласидан ўй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам қўрсатиш шароитларини яхшилашда, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш муаммоларини ҳал этишда кўмаклашади;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва хуқуқий ҳимоя қилиш масалалари бўйича Агентлик ходимлари ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этади;

Агентликда, унинг худудий бўлинмаларида ва тасарруфидаги ташкилотларида соғлом ишчанлик муҳитини ривожлантириш, қонунийликни, юксак ҳуқуқий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш, ходимларда Ватанга содиқлик руҳини ва қонунларга бўлган ҳурматни кучайтириш, уларни ижтимоий, сиёсий, руҳий ва маънавий-маърифий камол топтириш, шунингдек, мазкур соҳадаги илмий-маърифий ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

мамлакатда ва хорижда кенг жамоатчиликни Агентлик фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ҳақида мунтазам равишида хабардор қилишни таъминлайди ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

Агентлик фаолиятига бағишлиланган илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра сухбатларини ташкил этишда иштирок этади;

Агентлик фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича бажарилаётган ишларнинг натижаларини таҳлил қиласди, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қиласди.

**10. Жамоатчилик кенгаши зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:**

Агентлик томонидан ташкил этиладиган бўлажак очиқ ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

Агентликнинг, жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларининг бинолари (хоналари) ва бошқа объектларини Агентлик томонидан белгиланган тартибда бориб қўриш;

Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотлари раҳбарларига жамоатчилик кенгаши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

Агентлик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотлар, статистика ва бошқа материаларини белгиланган тартибда олиш;

Агентликнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида, Агентлик томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳукуқий хужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва эксперtlар мухокамасини таъминлашда иштирок этиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига Агентлик томонидан берилган жавобларнинг сифатини танлаб олган ҳолда таҳлил қилиш;

Агентлик ходимларининг розилиги билан уларнинг уй-жой, ижтимоий-маиший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;

жамоатчилик кенгаши мажлисларида мухокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳукуқига эга.

Жамоатчилик кенгаши қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**11. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда:**

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя қилиши;

Агентлик фаолияти билан боғлиқ қонун хужжатларида белгиланган чекловларга амал қилиши;

Агентлик ва унинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

Агентлик ва унинг мансабдор шахслари фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги;

фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, маҳфийлигига риоя қилиши шарт.

Жамоатчилик кенгашининг зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **3-боб. Жамоатчилик кенгашининг таркибини шакллантириш ва ишини ташкил этиш тартиби**

12. Жамоатчилик кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринbosари, котиби ва аъзолари киради.

13. Жамоатчилик кенгashi аъзолигига, қоида тариқасида, Агентлика намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

**Жамоатчилик кенгани аъзоларининг сони чекланмаган.**

14. Жамоатчилик кенгашининг таркиби Агентлик директорининг буйруги билан ҳар 3 йилда тасдиқланади.

15. Куйидаги ҳолатларда жамоатчилик кенгашининг раиси, раис ўринbosари, котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

улар томонидан жамоатчилик кенгashi таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларида муентазам равишда иштирок этмаганда, мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айблов хукми қонуний кучга кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

16. Жамоатчилик кенгашининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгартишлар улар тасдиқланган пайтдан бошлаб 5 кун ичida Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

17. Жамоатчилик кенгашининг раиси:

жамоатчилик кенгашининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларини чақиради ва кун тартибини белгилайди;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларида раислик қилади;

жамоатчилик кенгашининг иш режасини, мажлиси баённомасини ва бошқа хужжатларини тасдиқлади;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижросини назорат қиласи;  
жамоатчилик кенгаши аъзоларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилишини мувофиқлаштиради;

Агентликнинг расмий веб-сайтида ва бошқа ресурсларда жойлаштириладиган жамоатчилик кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таркиби бўйича таклифлар киритади ва уни Агентлик директори билан келишади;

жамоатчилик кенгаши қарорларини бажариш масалалари юзасидан Агентликдиректори билан ҳамкорлик қиласи;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Жамоатчилик кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари ва мажбуриятларини раис ўринбосари бажаради.

19. Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари:

раис йўқлигига жамоатчилик кенгашининг мажлислирида раислик қиласи;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қиласи, шунингдек, жамоатчилик кенгаши фаолиятига таалтуқли мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишларини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. Жамоатчилик кенгашининг котиби:

жамоатчилик кенгашининг фаолиятини услубий, ташкилий-хуқуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласи;

жамоатчилик кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, Агентлик ходимларидан зарур хужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ жамоатчилик кенгаши мажлислири ўтказилишини ташкил этади;

жамоатчилик кенгаши ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини жамоатчилик кенгашининг раиси билан келишади;

жамоатчилик кенгашининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни жамоатчилик кенгаши мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида хабардор қиласи;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан мониторинг олиб боради ва унинг натижаларини жамоатчилик кенгаши мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Жамоатчилик кенгашининг аъзолари ўз мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш ҳукуқига эга эмас.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисида иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолатларда, унинг аъзоси мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикрини ёзма шаклда юбориши мумкин. Бунда унинг фикри мажлисда кўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади.

**Жамоатчилик кенгашининг аъзолари:**

ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун Агентлик томонидан ташкил этиладиган мажлисларда ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этади;

жамоатчилик кенгashi иш режаларининг лойиҳаларини тайёрлайди, уларни жамоатчилик кенгashiда кўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режалари бажарилишини таъминлайди;

Агентлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда қатнашади;

Агентлик ходимлари, уларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ўтказади ва уларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича таклифларни жамоатчилик кенгashiiga киритади;

жамоатчилик кенгашининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайди;

жамоатчилик кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли хужжатларни тайёрлайди;

жамоатчилик кенгашининг зиммасига юклangan вазифалар ва функцияларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Жамоатчилик кенгashi фаолиятининг асосий масалалари унинг мажлисида кўриб чиқилади. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси унинг иш режалари асосида ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

Жамоатчилик кенгашининг раиси жамоатчилик кенгashi аъзоларининг учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида унинг навбатдан ташқари мажлисини чақириши мумкин.

23. Жамоатчилик кенгашининг мажлисларига бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

24. Жамоатчилик кенгashi мажлиси кун тартибининг лойиҳаси котиб томонидан жамоатчилик кенгashi аъзоларининг таклифлари ва жамоатчилик кенгashi раисининг топшириғи асосида шакллантирилади.

25. Жамоатчилик кенгашининг мажлисини унинг раиси олиб боради. Раис иштирок эта олмаган ҳолатларда, мажлисни унинг ўринбосари олиб боради.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисида Агентлик директори, унинг ўринбосарлари ва бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

26. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси, агар унда жамоатчилик кенгashi аъзоларининг камидан учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли хисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, жамоатчилик кенгашининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

27. Жамоатчилик кенгашининг қарори мажлисда иштирок этаётган жамоатчилик кенгashi аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

28. Жамоатчилик кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг фикрини ёзма шаклда ифодалашга ҳақли. Унинг фикри жамоатчилик кенгashi мажлисининг баённомасига мажбурий тартибда қўшиб қўйилади.

29. Жамоатчилик кенгашининг мажлисида қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилади. Жамоатчилик кенгashi мажлисининг баённомаси котиб томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ва уч кун муддатда Агентликга, жамоатчилик кенгashi аъзоларига ва манфаатдор шахсларга юборилади.

30. Жамоатчилик кенгашининг қарорини тезлик билан қабул қилиш зарурияти туғилганда, унинг раиси ташаббуси билан қарор жамоатчилик кенгашининг аъзолари билан келишилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Агентлик жамоатчилик кенгашининг қабул қилган қарорига қўшилмаган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг қарорини олган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай унга асослантирилган эътирозини ёзма шаклда юборади.

31. Жамоатчилик кенгашининг котиби кенгash аъзолари кўмагида жамоатчилик кенгashi қарорлари ижросининг боришини ўрганади ва кўриб чиқади, зарур бўлган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг раисига тегишли таклифлар киритади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

32. Жамоатчилик кенгашининг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Агентлик томонидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

33. Жамоатчилик кенгашининг фаолияти унинг низомига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлиги Агентлик директори томонидан назорат қилинади.

34. Жамоатчилик кенгашининг ва Агентлик директорининг жамоатчилик кенгashi фаолияти билан боғлиқ қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш  
аентлигининг 2020 йил “**29** “*июн*” даги  
**48** -сон буйруғига  
2- ИЛОВА

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги хузуридаги  
Жамоатчилик кенгаши таркиби**

1. Юнусов Нодир Бахтиёрович – МЧЖ “UZGERMED FARM” ҚҚ таъсисчиси, **раис;**
2. Саипов Азиз Алишерович – “JURABEK LABORATORIES” ҚҚ савдо ва маркетинг бўлими бошлиғи, **раис ўринбосари;**
3. Ибрагимова Мухаббат Яхъяевна – Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи, **котиб.**

**Аъзолари:**

4. Азамов Шухрат Ахадович – МЧЖ “REMEDY” ҚҚ директори муовини;
5. Садиков Абид Камалович – МЧЖ “REMEDY GROUP” бош директори;
6. Шукурлаев Шерзод Ахадович – “FAZO-LUXE” МЧЖ раҳбари;
7. Ергашев Пўлат Комилович – МЧЖ “REKA-MED FARM” ҚҚ менеджери;
8. Шарипов Сотимбой Абдуллаевич – “OZKIMYOFARM” АЖ тижорат директори;
9. Алфёрова Алла Александровна – МЧЖ “NOBEL FARM SANOAT” молиявий директори;
- 10.Исоков Ойбек Юсуфбекович – Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси раиси;
11. Даминов Равшан Маратович – Orville Services LLP компаниясининг МДҲ бўйича ваколатхона раҳбари;
12. Шамсутдинов Азизхужа Шавкатулла угли – Grand Pharm Trade МЧЖ директори;
13. Касимходжаев Азиз Анварович – Meros Pharm МЧЖ директори;
14. Камилов Абдугани Абдунабиевич- “Дори-дармон” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари
15. Исанбоев Саркор Равшанович - “DENTAFILL PLUS“ МЧЖ бош директори
16. Дусмуратов Мирзанозим Мирзабекович –“Ўзбекистон Фармацевтика саноати корхоналари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
FARMATSEVTIKA TARMOG'INI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI  
BUYRUQ**

2020 йил «27» оқиданбръ

42 - сонли

Тошкент ш.

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги  
Жамоатчилик кенгаши таркибиға ўзгартириш киритиш  
түғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари туғрисида”ги ПК-3837-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман**:

1. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркибиға ўзгартириш киритилиши муносабати билан янги таркиб иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 29 июндаги 48-сон буйруғининг 2-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Директор

С.Карiev

Фармацевтика тармогини  
ривожлантириш агентлигининг  
2020 йил 27 септебрь даги  
Чар-сон буйругига  
ИЛОВА

## Фармацевтика тармогини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркиби

1. Юнусов Нодир Бахтиёрович
  - “УзГермедФарм” ҚК МЧЖ таъсисчиси,  
*Жамоатчилик кенгаши раиси*
2. Саипов Азиз Алишерович
  - “Журабек Лабораториес” ҚК савдо ва  
маркетинг бўлими бошлиғи, *Жамоатчилик  
кенгаши раиси ўринбосари*
3. Ибрагимова Мухаббат Яхъяевна
  - Фармацевтика тармоғини ривожлантириш  
агентлиги Ахборот-тахлил бошқармаси  
бошлиғи, *Жамоатчилик кенгаши котиби*
4. Азамов Шухрат Асадович
  - “Ремеди” ҚК МЧЖ директори муовини,  
*Жамоатчилик кенгаши аъзоси*
5. Ибрагимов Гайрат Абдуахатович
  - МЧЖ «UZGERMED PHARM» кушма  
корхонаси раҳбар уринбосари  
*Жамоатчилик кенгаши аъзоси*
6. Аскарова Мухаббат Акбаровна-
  - Чет эл фармацевтика компаниялари ва ишлаб  
чиқарувчилар ассоциацияси раиси  
*Жамоатчилик кенгаши аъзоси*
7. Сидиков Зафар Умарович
  - Врачлар ассоциацияси раиси  
*Жамоатчилик кенгаши аъзоси*
8. Зайнутдинов Ҳикматилла  
Суннатович
  - Фармацевтлар ассоциацияси раис  
*Жамоатчилик кенгаши аъзоси*
9. Мадрахимов Равшан  
Ёқубжонович
  - МЧЖ “Ника Фарм” директор ўринбосари.  
*Жамоатчилик кенгаши аъзоси*
10. Зохидов Аброржон Омилович
  - “kun.uz” сайти журналист  
*Жамоатчилик кенгаши аъзоси*
11. Садиков Обид Камалович
  - МЧЖ “Remedy Group” директор ўринбосари.  
*Жамоатчилик кенгаши аъзоси*
12. Эргашев Пўлат Комилович
  - МЧЖ “Reka-Med Farm” ҚК менеджери  
*Жамоатчилик кенгаши аъзоси*
13. Шарипов Сотимбой  
Абдуллаевич
  - “O’zkimyofarm” АЖ тижорат директори  
*Жамоатчилик кенгаши аъзоси*
14. Алфёрова Алла Александровна
  - МЧЖ «Nobel Farm Sanoat» молиявий  
директори  
*Жамоатчилик кенгаши аъзоси*
15. Даминов Равшан Маратович
  - “Orville Servises LLP” компаниясининг  
МДҲ бўйича ваколатханаси раҳбари  
*Жамоатчилик кенгаши аъзоси*

- |     |   |   |
|-----|---|---|
| 16. | Шамсутдинов Азизхўжа<br>Шавкатулла ўғли | - “Grand Pharm Trade” МЧЖ директори<br><i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>  |
| 17. | Касимходжаев Азиз Анварович             | - “Meros Pharm” МЧЖ директори<br><i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>  |
| 18. | Рузиева Умида Бобокалановна             | - “Дори-дармон” АЖ бошқаруви тижорат<br>ишлари буйича директор<br><i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>                             |
| 19. | Дустмуродов Мирзанозим<br>Мирзабекович  | - “Ўзбекистон Фармацевтика саноати<br>корхоналари уюшмаси” раисининг биринчи<br>ўринбосари<br><i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i> |
| 20. | Исанбоев Саркор Равшанович              | - “Dentafill plus” МЧЖ бош директори<br><i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>   |

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркиби аъзолари  
хақида маълумот**

<b>№</b>	<b>Ф.И.Ш</b>	<b>Лавозими</b>	<b>телефон рақами</b>	<b>Почта манзили</b>
<b>1</b>	Юнусов Нодир Бахтиёрович	“УзГермедФарм” ҚҚ МЧЖ таъсисчиси, <b>Жамоатчилик кенгаши раиси</b>	+998977461580,	nodir.yunusov@ugp.uz
<b>2</b>	Саипов Азиз Алишерович	“Журабек Лабораториес” ҚҚ савдо ва маркетинг бўлими бошлиғи, <b>Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари</b>	+998903199969	aziz@jurabek.uz
<b>3</b>	Ибрагимова Мухаббат Яхъяевна	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи, <b>Жамоатчилик кенгаши котиби</b>	+998911357340	Mya_ibragimova@mail.ru
<b>4</b>	Азамов Шухрат Асадович	“Ремеди” ҚҚ МЧЖ директори муовини, <b>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</b>	+998974045090	sss.dante.sa@gmail.com
<b>5</b>	Ибрагимов Гайрат Абдуахатович	МЧЖ «UZGERMED PHARM» кушма корхонаси раҳбар уринбосари <b>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</b>	+998977461580 +998983683999	gayrat.ugp@yandex.ru
<b>6</b>	Аскарова Мухаббат Акбаровна-	Чет эл фармацевтика компаниялари ва ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси раиси <b>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</b>	+998973305505	m_askarova@mail.ru
<b>7</b>	Сидиков Зафар Умарович	Врачлар ассоциацияси раиси <b>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</b>	+998901852660	Eye-center@inbox.ru
<b>8</b>	Зайнутдинов Хикматилла Суннатович	Фармацевтлар ассоциацияси раис ўринбосари <b>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</b>	+998974545666	e-mail khikmatilla @ list.ru, telegram fmof_2018
<b>9</b>	Мадрахимов Равшан Ёқубжонович	МЧЖ “Ника Фарм” директор ўринбосари. <b>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</b>	+998 94 660 00 40	ravshan.madrakhimov@nikapharm.uz <a href="https://t.me/Ravshan_Madrakhimov">https://t.me/Ravshan_Madrakhimov</a>

<b>10</b>	Зохидов Аброржон Омилович	“kun.uz” сайти журналист <i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>	+998909931346	Abror25@mail.ru
<b>11</b>	Садиков Обид Камалович	МЧЖ “Remedy Group” директор ўринбосари. <i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>	+998909195022	sadikov_abid@mail.ru
<b>12</b>	Эргашев Пўлат Комилович	МЧЖ “Reka-Med Farm” ҚҚ менеджери <i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>	+998909144848	rekamed@yandex.ru
<b>13</b>	Шарипов Сотимбой Абдуллаевич	“O‘zkimyofarm” АЖ тижорат директори <i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>	+998935296803	s.sharipov@uzkimyopharm.uz
<b>14</b>	Алфёрова Алла Александровна	МЧЖ «Nobel Farm Sanoat» молиявий директори <i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>	+998935909510	alla.alferova@nobel.uz
<b>15</b>	Даминов Равшан Маратович	“Orville Servises LLP” компаниясининг МДХ бўйича ваколатханаси раҳбари <i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>	+998901853015	orville@orvilleservices.com
<b>16</b>	Шамсутдинов Азизхўжа Шавкатулла ўғли	“Grand Pharm Trade” МЧЖ директори <i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>	+998981171117	Azizhuja123@mail.ru
<b>17</b>	Касимходжаев Азиз Анварович	“Meros Pharm” МЧЖ директори <i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>	+998998002264	aziz.kasimkhodjaev@merospahrm.uz
<b>18</b>	Рузиева Умида Бобокалановна	“Дори-дармон” АЖ бошқаруви тижорат ишлари бўйича директор <i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>	+998931845904	uruzieva@doridarmon.uz
<b>19</b>	Дустмуродов Мирзанозим Мирзабекович	“Ўзбекистон Фармацевтика саноати корхоналари уюшмаси” раисининг биринчи ўринбосари <i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>	+998931833355	dannammir@mail.ru.
<b>20</b>	Исанбоев Саркор Равшанович	“Dentafill plus” МЧЖ бош директори <i>Жамоатчилик кенгаши аъзоси</i>	+998981174043, +998971560416	Sarkor76@list. ru